

VOLUME-4, ISSUE-7

Молия ва иқтисод соҳасига оид сўзларнинг кириб келишининг  
қисқача тарихи

Урганч давлат университети “Факультетлараро чет тиллари”  
кафедраси катта ўқувчиси,

PhD Ходжаева Гулшод Бахадировна

e-mail: асалча-80@mail.ru тел: +998973639353

Урганч давлат педагогика институти

Филология ва тарих факультети Хорижий тил ва адабиёти

221 гуруҳ талабаси Салаева Гуласал Ғайратбек кизи

**Аннотация:** Мазкур мақолада молия ва иқтисод соҳасига оид сўзларнинг кириб келишининг қисқача тарихи ҳақида фикр юритилади.

**Аннотация:** Аннотация: В данной статье рассматривается краткая история появления слов, связанных с финансами и экономикой.

**Abstract:** This article discusses a brief history of the emergence of words related to finance and economics.

**Калит сўзлар:** молия, иқтисод, банк, биржа, тил бирлиги, ўзлашма, атама, норма, кодификация, изоҳ, лингвистик фактор, қишлоқ хўжалиги.

**Ключевые слова:** финансы, экономика, банк, биржа, языковая единица, приобретение, термин, норма, кодификация, объяснение, языковой фактор, сельское хозяйство.

**Key words:** finance, economy, bank, exchange, language unit, acquisition, term, norm, codification, explanation, language factor, agriculture.

Маълумки, собиқ иттифоқ тарқагандан кейин мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги, халқ хўжалиги, молия, иқтисод соҳаларида катта инқилобий ўзгаришлар бўлдики, бу ислохотлар, асосан, дунёнинг энг илғор мамлакатларига тақлид, ана шу мамлакатлардаги ижтимоий ҳаёт ҳамда ишлаб чиқариш усуллари ва муносабатларига ўхшатиб иш тутиш ёки уларни тўғридан тўғри кўчириш (экспорт қилиш), чунончи, ерга бўлган муносабат, савдо ва молия, бозор иқтисодиёти ишларини, мухтасар қилиб айтганда, моддий, маданий ва маънавий ҳаёт тарзини улардагидек ташкил қилишга қизиқиш кучайди, халқимиз нафақат кундалик турмуш йўсинини, балки мазкур ўзгаришлар билан боғлиқ тил бирликларининг тилимизга кириб келишига хайрихоҳлик билан қаради ҳамда илғор мамлакатларнинг эътиборга лойиқ ютуқ ва муваффақиятларини изчил ўрганиш, уларни мамлакат ҳаётига

VOLUME-4, ISSUE-7

татбиқ қилиш, ўз навбатида, ана шу мамлакатлар тилларидан сўз ўзлаштиришни ҳам тақозо қилиши табиий эди.

Социалистик (коммунистик) ишлаб чиқариш муносабатларини инкор қилиш ва мамлакатда янги ижтимоий тузум, демократик жамият – мустақил фуқаролик жамиятини барпо этишда буюк келажагимизни белгиловчи беш тамойил бўйича иш тутиш, мамлакат халқи ҳаётининг бугунги куни ва келажаги учун зарур бўлган ниҳоятда кўп янгиликларни ҳамда уларнинг номларини тилимизга олиб кирди. Бу сўз ва атамалар мамлакатимизнинг кундалик ҳаёти ифодаси бўлиб, нафақат авом халққа, балки ижтимоий ва аниқ соҳа вакилларига ҳожатбарорлик қилар ва ўзаро мулоқотнинг мақсадга мувофиқ кечиши учун уларни тилимизга қабул қилиш деярли инстинктив кечарди. Бинобарин, ҳаётимизга янгилик сифатида кириб келаётган тил бирликларига дуч келиш ва уларни мулоқотда қўллашнинг дастлабки даврларида мазкур ўзлашмаларнинг тилимиз лексик меъёрлари ёки норма ҳамда кодификация мезонларига мос келиши ҳақида ўйлаб кўришнинг ўзи ҳам ортиқчалик қиларди. Асосий эътибор улар ифодалаётган хабар ва янгиликларни идрок қилишга қаратилад эди.

Молия ва иқтисод билан боғлиқ сўзлар ижтимоий ҳаётда муҳим ўрин тутганлиги сабабли, бу мавзуга оид герман тиллари ўзлашмаларининг миллий тилимизга қабул қилиниш тарихини XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб, реал, фактик манбаларга таянган ҳолда ўрганиш мумкин. Бундан олдинги даврда ўзбек тилида газета ва журналлар бўлмаганлиги сабабли ўзлашмалар қайд қилинган ёки ишлатилган манба йўқ. Расмий ёзишмалар ва юридик ҳужжатлар эса давлат аҳамиятига молик бўлганлиги сабабли, улар билан танишиш фақат тор доирадаги оқимлар учун мумкин бўлган. 1870 йилдан бошлаб эса маҳаллий тилда биринчи босма газета “Туркистон вилоятининг газети”, яъни “Туркестанские ведомости” газетасининг ўзбекча нусхаси чиқа бошлаган. Кейинчалик “Улфат” (1905), “Тараққий” (1906), “Вақт” (1907), “Жарчи миллат” (1909), “Бухорои шариф” (1912), “Турон” (1912), “Самарқанд” (1913), “Садойи Фарғона” (1914), “Навбаҳор” (1914), “Садойи Туркистон” (1914), “Нажот” (1917), “Турк эли” (1917) газеталари турли хил нусха ва вақт оралиғида, маълум танаффуслар билан чиқиб турган.

Молия ва иқтисод мавзусига оид дастлабки ўзлашмаларни юқорида номланган газета саҳифаларида учратиш мумкин. Масалан: *банк, банка, банкир* (Совет Туркистони 1914, 25-сон); *биржа, бюджет* (Совет Туркистони 1914, 23-сон); *вексель* (Садойи Фарғона 1914, 30-сон); *стерлинг* (Туркистон вилоятининг газети 1879, 4-сон); *марка* (Совет Туркистони 1914, 3-сон).

VOLUME-4, ISSUE-7

И.Асфандиёров бу даврда ўзбек тилига русча ўсимлик ва полиз экинлари номлари ҳам (*помидор, қулуннай, болгар мурчи, пастернак, шовул, чеснок, картошка*) кириб келганини айтади. Аммо бу сўзларнинг кўпчилиги рус тилига оид эмас, балки Европа тилларидан рус тилига ўтган ўзлашмалардир. Помидор – италянча (*romo-d'oro*) “олтин олма”, *kartoffel* – немис, италян тилларидан келган бўлиб “ер олма”, редиска – немис тилидан (*Radiesken*) олинган бўлиб, “томирча” маъносини англатади ва улар бизга рус тили орқали ўтиб келган ўзлашмалардир.

Иқтисодий ўзлашмаларнинг тилимизга қабул қилинишида замон нуқтаи назаридан совет даври катта ва муҳим аҳамиятга эга. Ўзбек тилига, аввало, рус тилидан, кейинчалик у орқали чет тилларидан кўп сўз ўзлашди. Бу ҳақда В.В.Решетов, А.К.Боровков, М.Мирзаев, М.П.Пўлатов, А.Мадраҳимов, И.Расулов, Г.Муҳаммаджанова, С.Акобиров, А.Н.Тихонов-ларнинг илмий иш ва диссертацияларида бафуржа очиб берилди.

Шўролар давридаги 70, айниқса, миллий мустақилликка эришганимиздан кейин 30 йилдан охиқ вақтда халқимиз нафақат дунё сахнасига чиқди, балки дунё халқлари юртимизга кела бошлади. Тилимизга билвосита ва бевосита иқтисодга оид сўзлар ҳамда атамалар ички ва ташқи лингвистик факторлар натижасида қабул қилинди. Уларнинг кўпчилиги халқимизнинг кундалик моддий ва маънавий ҳаётини тўла-тўқис акс эттиришга фаол иштирок эта бошлашди, тилимиздаги ўрни мустаҳкамланди. Тил эгалари учун ҳаётий муҳим нарса ва ҳодисаларни ифодалаш, қизиқиш ва эҳтиёжларини мулоқотда қоплаш каби хусусиятлари тан олинди, маъқулланди. Молия ва иқтисод соҳасига оид ўзлашмаларнинг тилимизга қабул қилинишида, аввало, советлар тузуми, қолаверса, давлатимиз мустақилликка эришгандан кейинги даврдаги ижтимоий-сиёсий (*агрофирма, макрофирма, микрофирма, фермерчилик*) ўзгаришлар катта аҳамиятга эга бўлди. Тилимизга ички ва ташқи лингвистик факторлар натижасида билвосита ва бевосита иқтисодга оид сўзлар ва атамалар қабул қилинди. Улар халқимизнинг кундалик моддий ва маънавий ҳаёти иштирокчилари (*фермер, дилер, маклер, риэлтор, менежер, спонсор, инвестор*)ни тўла-тўқис акс эттиришда фаол иштирок эта бошлади. Тил эгалари учун иқтисодий муҳим нарса ва ҳодисалар (*банк, банкомат, евро, доллар, бюджет, ваучер*)ни ифодалаш, моддий ва материал нарсалар бозорига қизиқиш (*маркетинг, менежмент, ломбард*) ҳамда эҳтиёжларини қоплаш (*лизинг, инвестиция*) каби хусусиятларини ўзлашмалар орқали тезроқ идрок қилиниши тан олинди. Айримларининг имло ва талаффузи (*фермер – пермер, бухгалтер – буголтир*) ўзбекчалаштирилди, уларда лексик меъёрлар, норма ва кодификация

**VOLUME-4, ISSUE-7**

мезонлари шаклланди. Ўзлашмаларнинг аслий (*тендер – танлов*) маънолари нафақат кенгайди (*тендер – кўрик, тендер – пудрат, тендер – товар, пул; тендер – муомала воситаси, тендер – бадал*), балки миллийлашди ва хусусийлашди (*хоразмча тендер, андижонча тендер*).

Мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий формацион ўзгаришлар натижасида айрим ўзлашмаларнинг (*бизнес, бизнесмен*) салбий маънолари ижобийлашди. Аксига олиб, тилимиз луғат таркибидаги азалдан мавжуд салбий маъноли (*олибсотар, чайқовчи, спекулянт, қаллоб, аллоф* каби) сўзларга сўзлашув тилида муқобил ўзлашмалар ўрин қолдирмади. Фойда кўзловчи ўғрими-тўғрими – бари бизнесмен сўзи остида номлана бошланди. Айрим ўзлашмалар аслий тилдагидек қабул қилинган бўлса (*бизнес кейс, бизнес семинар, бизнес клуб, бизнес этика, бизнес банк* каби сўз бирикмалари), айримлари ўзбек тилида янги тил бирликлари ясашда асос бўлиб хизмат қилди (*соф холдинг, аралаш холдинг* кабилар).

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Жуманиёзов О. Ўзбек тилидаги герман тиллари ўзлашмалари. Тошкент, «Фан», 1987.
2. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбекистонда тилшуносликни ривожлантириш-нинг актуал проблемалари. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1982.– №5.
3. Duden Deutsches Universalwörterbuch Dudenverlag Mannheim, Leipzig, Wien, Zürich 2007
4. Ижтимоий тармоқлардаги расмий сайтлар: [daryo.uz](http://daryo.uz), [kun.uz](http://kun.uz), [qalampir.uz](http://qalampir.uz)